

Халқ Сўзи


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

22 ноябрь, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 238 (1755)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябрь куни АҚШ Конгресси Вакиллар Палатасининг ташкилий-процессуал кўмитаси раиси Жералд Соломон раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар парламентлар даражасида ҳам жадал ривож топаётганидан мамнуният изҳор этди.

Ж. Соломон АҚШ Конгресси Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича илгари сурган таклифларини, хусусан, у ердаги ихтилофчи гуруҳлар ва манфаатдор мамлакатлар вакиллари билан иборат мулоқот

гуруҳи тузиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлашни айтиди, самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА МУЛОҚОТ

Мамлакатимизга таширчи буюрган АҚШ Конгресси Вакиллар Палатасининг ташкилий-процессуал кўмитаси раиси Жералд Соломон раҳбарлигидаги делегация аъзолари 21 ноябрь куни ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

А. Комилов меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилик борасидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди.

Жералд Соломон Ўзбекистон эришяётган ютуқларга юқори баҳо берди, бу ютуқлар мамлакатимизнинг минтақадаги ва дунёдаги нуфузини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, қонунчилик соҳасида ўзаро маслаҳатлашув ва тажриба алмашувини такомиллаштириш масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов 21 ноябрь куни АҚШ Конгресси Вакиллар Палатасининг ташкилий-процессуал кўмитаси раиси Жералд Соломон бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Олий Мажлис Раиси Ўзбекистон Парламенти фаолиятида асосий эътибор давлатларaro тенг ҳуқуқли алоқаларни ўрнатишга, жаҳон ҳамжамияти билан кенг ҳамкорлик қилишга қўмақлашувчи қонун асосларини яратишга йўналтирилганлигини таъкидлади.

Жералд Соломон Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнларга АҚШ раҳбарияти ва америкаликлар катта хайрихоҳ эканлигини айтиди. Бу борада Америка мустақил Ўзбекистонни ҳаф томонлама қўллаб-қувватлашни билдирди.

(ЎЗА)

АҲОЛИ ТАЪМИНОТИ — МУҲИМ МАСАЛА

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида республика истеъмол бозори мажмуининг сайёр мажлиси бўлди.

Унда ушбу мажмуа марказига кирувчи бирлашмалар, ташкилотлар, вазирликлар, вилоят солиқ, молия, банк, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари вакиллари, шаҳар ва туман ҳокимлари, савдо ташкилотларининг мутасаддилари иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги «Республикада савдонини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши муҳокама этилди.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш талаб-эҳтиёжини қондириш борасида амалга оширилаётган тажрибаларни бойитиш, кенг ёйиш, истеъмол бозорини истиқбол кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан таклиф ва муаммолар ўртага ташланди.

Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, халқ хизматига йўналтирилган ташкилотлар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари ишини яхшилаш, 1998 йилда амалга оширилаётган режалар хусусида гап борди, вазифалар белгилаб олинди.

Сайёр мажлисида қатор савдо ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Сайёр мажлисида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов сўзга чиқди.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АЙЛанаДИ СОАТ МИЛЛАРИ ХУШ ХАБАР

Испанилар мамлакатидан хуш хабар келди. Мадрид шаҳрида ўлдирилган халқаро кенгашида ўзбек толаси юксак баҳоланди. «Ўзпахтасаноат»нинг уюшмасининг Қорақалпоғистон бирлашмасига қарашли Халқобод ва Беруний пахта тозалаш корхоналарининг пахтаси лобарантларнинг минг бир чигириндан ўтиб, ўзбекининг кўнглидай тоза бўлиб чиқди.

Агар юртимизда етиштирилаётган пахта толасининг 90 фоизи хорижга экспорт қилинишини ҳисобга олаётган бўлсак, хазинамизга тушадиган ганжинани санаб қийин бўлиб қолади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

Ижара жонга тегди. Навоий шаҳридаги «Ўзбекэлектрремонт» ҳиссадорлик жамияти хайрли ташаббус билан чиқди, — дейди жамоатчи мухбиримиз Парда Жумаев тахририятга сиз қўқарсан. — «Вилоят телерадио уйини қуриш учун қашар уюштириш керак!». Бу ташаббус вилоят ҳокимиятига ҳам маъқул тушди ва шанбалик декабрь ойининг охирида ўтказилаётган бўлди.

Агар ҳиссадорлар тайрат қилишса, телерадио ходимлари Навоёз байрамида уйли бўлиб қолишади. Алоқачиларнинг кулбасида ижарада туриш жонига ҳам тегиб кетди уларнинг.

ХИМУДАЛА БЕШҚАРСАККА ТУШАДИМИ?

Ўзбекистон телевидениесидаги «Бирик» курсатувига жудаман қизиқиб қолдим, — деб ёзди сирдарёлик отахон Х. Чиниқулов. — Яқинда улар туркийлар ва Америка ҳиндулари ҳақида гапириб курсатув қилишди. Филология фанлари номзоди Шомирза Турдимовнинг таваққотларига кўра, ҳиндулар минглаб йиллар илгари туркийлар заминидан океан ортига кетиб қолган бўлиши эҳтимоли бор. Анқалинишча, уларнинг расм-русумлари, каштачилик санъати, ўйма шакллари бизникига жудаям ўхшашлигини кўриб ёқа ушладим.

КРИМИНАЛ

Кимлигини айтмайман... Сирдарёлик божегончилар Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан биргаликда Бахт шаҳридаги 12-автокорхонага тегишли «КамАЗ» машинасини постанда эмас, Мирзаобод тумани ҳудудида қўлга туширдилар. И. Имомназаров айанга йўллар орқали 8 той пахта, яъни 1748 кг толасини Қозғистонга олиб чиқиб кетмоқчи экан.

ЎЗБЕКИСТОН -- ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ноябрь ойи мамлакатимиздаги ишбилармонлар ва молия соҳаси доираларининг чет эл сармояларини жалб қилиш ишида ўзига хос феолиги билан кўзга ташланмоқда.

«Ўзбекистонда бизнес қилинг» деб номланган конференциянинг Буюк Британия, Малайзия ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилиши кўпга Европа ва осийлик тадбиркорларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга бўлган қизиқишларининг ошишига имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегациясининг айна кунлардаги Америка Қўшма Штатларига таширифи ана шу тадбирларнинг мантаний давоми бўлди.

Нью-Йорк шаҳридаги «Палас» меҳмонхонасининг анжуманлар залида ўтказилган Ўзбекистоннинг сармоя имкониятлари тақдимот маросими бизнинг мамлакатимиз ишбилармонлари билан бизнес алоқаларини ўрнатишга жиддий ҳаракат қилаётган қатор Америка бизнес вакиллари тўплади.

Конференцияда республика экспорт имкониятлари кўргазмаси, қатор вазирликлар, ассоциациялар, банклар ва компаниялар раҳбарларидан иборат бизнинг делегациямиз аъзолари нутқларида ҳамда аллақачон мамлакатимизда иш тажрибасига эга бўлган Америка фирмалари вакиллари чикишларида республикадаги сармоя имкониятлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилди.

— Ўзбекистон — ишончли ҳамкор. Бу мамлакат вакиллари айтган гапларининг устидан чиқадилар ва ўзбек банкирлари шуни тасдиқладиларки, улар билан ишласа бўлади, уларда мамлакатимиз ишбилармонлигига нисбатан юксак ҳурмат бор.

Баҳождир МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги махсус мухбири.

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ЁРУҒЛИК СОЯДА ҚОЛМАЙДИ

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БАҲСЛИ МУЛОҲАЗАЛАР МАЙДОНИ

Газетани мунтазам ўқиб бораман. Яхши. Имкони борича янада ўқимишлароқ бўлишини хоҳлардим. Албатта, «Халқ сўзи» ҳукумат газетаси. Бинобарин, унда расмий хабарлар мунтазам эълон қилиниши, табиий. Шу билан бирга маънавиятга оид, ўқувчини чуқур ўйлашга даъват этадиган мақолалар, бадий асарлар ҳам берилса ёмон бўлмасди. Бу газеталар ўртасида нашрларга нисбатан қизиқини янада кучайтиради. Фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида баҳсли мулоҳазалар уйғотувчи мақолалар дарв талаби. Тахририят ходимлари бунини яхши англашмоқда. Ушбу мавзуга тағинам кенгроқ ўрин бериш керак, деб ўйлайман.

Равшан СУЛТОНОВ,
Республика солиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

ХОЛИС ТАНҚИД — ЯХШИЛИК МЕВАСИ

Тиббиёт ходимларининг барчаси «Халқ сўзи»га обун бўлиши, шубҳасиз. Соҳамизга оид доллар мавзулар, ютуқлар ушбу нашрда кенг қўламда ёритилган. Бироқ камчиликлар, айниқса, вилоятлардаги аҳвол юзасидан танқидий мақолалар чоп этилиб, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўлидаги тўсиқлар, соғлом турмуш тарзини яратиш бўйича пайдо бўлган муаммолар тез-тез таҳлил қилиниши лозим.

«Халқ сўзи» мухбири
Қўқор НОРҚОБИЛ тайёрлади.

ҲУҚУҚШУНОСЛАР СЕМИНАРИ

Наманганда бўлиб ўтган минтақавий семинар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексларини ўрганишга бағишланди. Унда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органларининг ходимлари иштирок этди. Семинарда республиканинг таникли ҳуқуқшунос олимлари келгуси йилнинг 1 январидан қўлга кирадиган ва давлатимизда ўзаро ҳуқуқий муносабатларни белгилаб берадиган буянги ҳужжатларининг асо-

сий қоидаларини тушунтириб, шарҳлаб бердилар. Сўнгра улар семинар иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтардилар. Семинарда Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов сўзга чиқди.

Н. ХҲАЕВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГА ТАШРИФ

Ўзбекистонда Украина маданияти кунларини ўтказишда иштирок этаётган Украина расмий делегацияси аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимлигида қабул қилинди. Украина маданият ва санъат вазири Д. Остапенко, Черкас вилоят маъмурияти раиси В. Цибенко, Украина халқ депутаты П. Мовчан пошта хокими К. Тўлаганов билан самимий суҳбат чоғида Ўзбекистондан олган ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган туз иқтисодий ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, миллий анъана ва қадриятларни тиклаш йўлидаги сайёхаракатлар таҳсинга сазовор эканини таъкидладилар. Украина маданияти кунлари икки халқ дўстлик байрамига айлангани мамнуният билан қайд этилди. Суҳбат давомида давлатларимиз ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Украинанинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси В. Сметанин қатнашди.

(ЎЗА)

ЭЪТИРОФ

Маълумки, таълим тизимидagi муаммолар давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам таълим тизимини ислоҳ қилишдек мураккаб масалани республикамизда ҳар томонлама ва оқилона ҳал қилишни бу келажаги буюк давлат яратиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Бундай дейишимизнинг сабаби шундаки, таълим тизими ислоҳи соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар, яъни республикамизнинг «Таълим тўғрисида», «Қадрлар тайёрлаш тўғрисида», «Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва қадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни воқта етказиш тўғрисида»ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар оламшумул аҳамиятга эга эканлигини Ватанимизда ҳам, чет эллардаги таълим наомндаларининг ижобий фикр ва мулоҳазаларини эшитганда ҳам, тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳар бир таълим наомндаласи зиммасига Аҳмад Ясавий тили билан айтганда: «толдан оғир» вазифа юклаганлигини тушуниб етиш, тизимдаги муаммоларни ҳал қилиш шароити ва масъулиятли эканлигини ҳис қилиш зарурдир.

Таълим тизими соҳасида жаҳон миқёсида амалга оширилган хилма-хил таъбирлар масаласига келсак, дунёда улар билан шуғулланувчи тури-туман жамиятлар, консорциумлар, бирлашмалар бўлиб, уларнинг асосийлари Европа ва Америка-хўдларига тааллуқлидир. Ана шундай нуфузли ташкилотлардан бири Америка Қўшма Штатларидаги коллеж ва университетлар бирлашмасидан ташкил топган ташкилот -- халқаро таълим сифатини кўтариш чораларини кўзловчи Умумжаҳон Таълим Консорциуми (Бирлашмаси) деб аталади (инглизча тўла номи «Сортиум for Global Education, Pursuing Excellence in International Education»). Мазкур консорциум 300 дан ортиқ ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа бўлиб, дунёнинг 80 лан зиёда давлатларидаги энг обрўли университетлар билан бирга ҳамкорликда иш қилади. Бу ташкилот бундан 10 йил илгари тузилганига қарамай ҳ зиринг ўзидек дунёдаги таълимни кўтариш учун шу бутун дунё миқёсидаги дастурлар, қўлланмалар ва шу кабилар соҳасида қилинган ишлар билан танишиш чўққач, қўйидаги хўласига келидик.

Ўқориди кўрсатиб ўтганимиздек, XXI аср бўёғасида таълим тизими соҳасидаги қилинаётган ишлар турлича. Типологик таҳлил асосида уларни қўйидагича тавсифлаш ҳам мумкин: 1) таълим тизимининг тўла ислоҳ қилиниши ва ўзига хос универсал модел яратиш стратегияси; 2) ўзлари яратган ва қўлланаётган таълим тизимини мукамаллаштириш стратегияси; 3) таълим тизимидagi тайёр моделлардан ёки тизимлардан фойдаланиб, ўз таълим соҳасини ривожлантириш стратегияси; 4) таълим тизимига тўла аҳамият берюлмастик.

Агар юқоридagi стратегик мезонлар асосида давлатларни классификациядан ўтказсак, ўз Миллий дастурини яратолган ва яратолмаган давлатлар турини кўзга ташланади. Шунингдек, таълим тизимида эталон моделларнинг қўллана олиш доирасига кўра, биз жаҳон таълим тизимидagi: а) универсал чегараланмаган умумийлик; б) минтақавий чегараланганлик; в) умуман маълум давлат миқёси учун тузилган ёки чегараланганликни кўришимиз мумкин.

Таълим тизимининг универсал моделларини яратиш учун ҳар бир минтақадagi қилинаётган ишлар жараёнини кузатиб бориш ўз тизимига, стандартига, моделларига эга бўлган давлатлар таълим тизими, моделлари қай даражада тасвирланганлиги бундай таълим тизимини яратган давлатнинг илмий, иқтисодий са-

ҳулар жумласига кирилади. Умуман олганда, симпозиум қатнашчиларида бизнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳақидаги ҳужжатлар -- «Баркамол авлод -- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китобида босилиб чиққан учта катта ҳужжат чет эллик расмий ва норасмий таълим даргоҳлари мутахассисларида катта таассурот қолдирди. Анжуман қатнашчилари номидан Умумжаҳон таълим Консорциуми бошлиқларидан Каролайн Г. Бишоп (Бутунжаҳон таълим Консорциуми халқаро директори, Джорджия штати, Атланта), Бен Элрод (Бутунжаҳон таълим Консорциуми директори, Арканзас штати, Аркаделфия), Уильям Р. О'Брайн (Самфорд университети, Алабама штати, Бирмингем Бутунжаҳон Марказининг директори)лар Миллий дастуримизга тақриз ёзиб бизга топширишди.

Улар ўз тақрирларида таълим соҳасида Ўзбекистонда қилинаётган ишларга юксак баҳо бериб, қўйидагиларни таъкидлашди: -- келтирилган ҳужжат жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакатдаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишининг ҳамма томонларини қамраб олади; -- Миллий дастур ҳозирги замон талабларини кўзга тутди; -- бозор иқтисодиётининг маркетинг, менежмент, ижтимоий психология, социология, банк ишлари ва бошқа раҳбарлик ишлари учун малакали мутахассислар тайёрлашни мўлжаллайди; -- буларнинг барчаси тақрир этилаётган ҳужжатда ўз ифодасини топган. Асосий вазифа Ўзбекистонда халқаро андозларга мос келадиган таълим тизимини яратишдан иборатдир. Гарчи ҳужжатда жаҳоннинг энг илгор университетлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида чет эл мутахассисларини ҳам жалб этишга давлат қилинган бўлса-да, аммо Ўзбекистон таълим тизими соҳасида ўзининг миллий моделига эга эканлиги таҳсинга лойиқдир; -- янги дастурнинг ташаббускори -- шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентини эътиборига ва уни Олий Мажлис ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан маълумлашнинг ўзидек, ҳужжатни ҳаётга таъбиқ этилишидаги муваффақиятнинг гаровидир; -- Бирмингем Конференцияси (АҚШ, Алабама штати) қатнашчилари Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг Миллий дастури мўлақоқа янги, оригинал концепцияга асосланган бўлиб, у Ўзбекистон халқига мамлакатнинг XXI аср бозор иқтисодиёти шароитларида мутахассисларга нисбатан ўсиб борадиган талабларини тўла таъминлайди, деб ҳисоблайдилар.

Бу фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги ўзига хос ислоҳот йўналишини ҳам дунё жамоатчилиги, илм-фан наомндалари тани олмақда. Демакки, биз тиллаган йўл истиқболли йўлдир.

Ж. БҮРОНОВ, профессор.

Анжуман қатнашчиларининг эътиборини тортиган масалалардан яна бири -- Миллий дастуримиздаги концепцияларнинг ўзига хослигидир. Миллий дастурдаги умумийлик ва миллийлик, таълимнинг республика ижтимоий тараққиётида устувор деб эълон қилиниши, таълим демократияси, таълим олишининг мажбурийлиги, истеълодга берилмаётган баҳолар ва бошқалар

лоҳиясини ўрганиш мақсадида келтирилган симпозиумда Ўзбекистоннинг таълим ислоҳоти асосларига ҳам катта эътибор берилди. Ҳа, дастуримиз -- миллий, аммо у умумий ва чегараланмаган таълим тизими, стратегияси ва моделлари, маълум бўлган дунё андозларининг ҳамма талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилганлиги учун ҳам биз бу дастуримизни биринчи тоифадagi, яъни чегараланмаган универсал тизим ёки модел тарихидаги дастур деб айтишимизга тўла ҳақимиз.

Шу ўринда бир фикрни айтишимиз лозим: Миллий дастурда қабул қилинган атамалар банки, таълим структураси тизимларига бор бўлган структура ва терминлардан фойдаланиши зарур ва дунё таълим ҳамма вақт айнан ёки таърибда қўлланиладиган анъанавий усуллар. Аммо қадрлар тайёрлаш соҳасидаги миллий моделининг тизимлари ва таркибий қисмлари турлидир. Фақат Ўзбекистоннинг ўзига хос, яъни қадрлар тайёрлашнинг миллий модели таркиби -- бу шахс (субъект), давлат ва жамият, улуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш деб конкретлаштирилганлиги бизнинг дастуримизгагина хосдир ва ягонадир.

Симпозиум қатнашчиларининг саволларига келсак, улар асосан бизнинг дастуримиздаги янги ўзига хос тушунчалар ҳақида бўлди. Масалан, Миллий дастурда кўрсатилгандек, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хўнар таълимининг мажбурийлиги, академик лицей ёки касб-хўнар коллежларида ўқишнинг ихтиёрлиги ва уларга пулсиз, давлат ҳисобидан ўқитиш, билим бериш имкониятларининг яратилганлиги уларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман қатнашчиларининг эътиборини тортиган масалалардан яна бири -- Миллий дастуримиздаги концепцияларнинг ўзига хослигидир. Миллий дастурдаги умумийлик ва миллийлик, таълимнинг республика ижтимоий тараққиётида устувор деб эълон қилиниши, таълим демократияси, таълим олишининг мажбурийлиги, истеълодга берилмаётган баҳолар ва бошқалар

нот ишлари юзасидан дастлабки тергов сифатсиз ўтказилгани боис судлар томонидан қонуний ва адолатли ҳукм чиқариш қийинлашмоқда. Бундай аҳволнинг юз бераётганига айрим терговчиларнинг кодекслардаги нормалар мазмунини чуқур ўрганмаганликлари, қолаверса, улар қайта тайёрлаш марказларида етарли даражада малака оширмаётганлиги сабабли тергов ҳаракатларини олиб бориш ва айбдорнинг жиноий ишини квалификация қилишда хато-камчиликларга йўл қўйилаёпти. Уларни бартараф этишнинг бирдан-бир йўли терговчиларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратишдир. Бунинг учун эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўзаро ҳамкорликда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб иш юритишлари керак.

Шу ўринда қадрлар малакасини оширишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бир муаммони айтиб ўтмоқчиман. Бу - мав-

МУНОСАБАТ

ФАН ЙЎЛИГА ЁҚИЛГАН МАЁК

Республикамиз бўйлаб яна бир хушхабар қанот қокди. Катта-чо кичикнинг қаббини гурурга, ифтихорга ва қувонч-шодликларга тўлдирган бу хушхабар юртбошимизнинг «Хоразм Маъмур академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий фармонларидир.

Бундай Фармон фақат мустақиллигини ўз қўлига киритган, истиқлоли қанотланган миллат томонидан қабул қилинади ва уни зўр иштиёқ, кўтаринки руҳ, ҳавас қилса арзиғулик сазй-ҳаракат, ишчанлик билан бошлаб юборади. Фармонда Хоразм Маъмур академияси қайта ташкил этилган, унинг олдига турган асосий илмий ва ташкилий вазифалар ҳам равшан белгилаб берилган. Булар -- илм-фан соҳасидаги қадимги улуг миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъодли олимларни излаб топиш,

амалга оширишда фаол иштирок этиш, улуксиз таълим тизими ва фан ўртасидаги узвий, ўзаро манfaatли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларга илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш; халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш ва бошқалардир.

Тарихий солномаларда қайд этилганидек, буюк боқалонларнингдан бири Али ибн Маъмур 995 йили Жанубий Хоразм давлатининг пойтахти Кат шаҳрини ўз тасарруфига киритди ва Катдаги ҳукмронлик қилаётган афригийлар сулоласига хотима беради. Оқибат натижада бутун Хоразм ўлкаси бир улкан давлатга бирлашади ва ҳар соҳада тараққиёт йўлига тушиб олади. Бу марказлашган ва ўзига хос тараққиёт йўлига тушиб олган давлатнинг пойтахти Гурганж бўлиб қолади. Али ибн Маъмур (вафоти 1009 йил) Хоразмшоҳ унвонини олди. Илм-фан, ада-

Малик МУРОДОВ, профессор.

Туркистон - умумий уйимиз

ЛИЦЕЙ - ДЎСТАЛИК РАМЗИ

Кўргонтёподаги иқтисодий-ҳуқуқий лицей-интернатда ўш шаҳридаги кирғиз-ўзбек университетига кирувчилар учун тайёрлов курси очилди. Курс Андижон вилояти халқ таълими бўлими ҳамда лицей-интернат педагоглари ташаббуси билан ташкил этилди. Ўш кирғиз-ўзбек университетига киришни истаган ўттизга яқин йигит-қизларнинг тайёрлов курсида ўқиб олишга уларга мазкур олий ўқув юрти ўқитувчилари кўмаклашди.

Кўргонтёпо иқтисодий-ҳуқуқий лицей-интернати Ўзбекистондаги дарслор кирғиз тилида олиб бориладиган ягона махсус таълим масканидир. Бу йил кирғиз тилида таълим олган юздан ортиқ юқори синф битирувчилари тест синовларидан ўтганидан сўнг бу ерга қабул қилинди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб оқ Кўргонтёпо, Жолокқудук ва Хўжаобод туманларида, Қорасув ва Хонобод шаҳарларида ана шундай мактаб ва синфлар ташкил этилган эди.

Вилоят халқ таълими бўлими лицей-интернати «Ўзбекистон» нашриётида кирғиз тилида нашр этилган дарслик ва қўлланмалар билан таъминланди.

К. НИЗОМОВ, ЎЗА мухбири.

ХИФ дастури - амалда

Мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантиришдан туриб, мустақил республикамизнинг бозор иқтисодиётига бошқичма-бошқича ўтишни таъминлаш қийин. Иқтисодиётни қайта қуришнинг энг асосий йўналишларидан бири мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдир. Бу жараёнда хусусийлаштириш инвестиция фондларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, ХИФ-аҳоли жамғармаларини йиғиб, бу маблағга қорхона акцияларини сотиб оладиган хусусийлаштириш инвестиция фонди. Шу тариқа у қорхоналарнинг эгасига айланади. Яъни, ўз фаолияти натижаларига кўра оладиган фойдани дивидендлар шаклида акциядорлар (аҳоли) ўртасида тақсимлайди.

19 ноябрь куни хусусийлаштирилган қорхоналар акцияларини сотиб бўйлаган энг катта аукцион ўтказилди. Унда 37 ХИФ иштирок этди. «Кимощди» савдоси бошланishiга қадар 8 миллион сўмини ташкил этди. ХИФлар «Ўзлонмаҳсулот», «Ўзозиковақсатаноот», «Ўзсаноатфурқароқурилиш» каби ташкилотларнинг 54.397.135 сўмлик акцияларини сотиб олди. Қайд қилиш ўрниликки, мазкур савдода талаб тақрибга нисбатан бир неча марта юқори бўлди.

Иккинчи раундда ХИФлар 6 қорхонанинг номинал қиймати 18.358.520 сўм бўлган акцияларини харид қилди. Шу кунги сотилган акцияларнинг умумий миқдори эса 72.755.695 сўмин ташкил этди. Бу ҳол ХИФлар тўғрисидаги давлат дастурини амалга ошириш жадаллашгани, аҳоли кенг қатламнинг акциядор бўлишга интилиши кучайгани, ўрта мулкдорлар синфи шаклланиётганидан далолат беради.

ЭНГ КАТТА АУКЦИОН

ХИФлар томонидан 11 тармоқнинг хусусийлаштирилган қорхоналари тегишли 818 миллион сўмлик акциялари сотиб олинди. Бунда, айниқса, «Фойкон», «Камалак», «Туркистон-Инвест», «Даромал Плюс» каби ХИФлар фаоллик кўрсатдилар, - деди республика Қимматли Қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг бош директори Мурод Юнусматов 20 ноябрь куни Биржа марказида бўлиб ўтган матбуот конференциясида. Мазкур конференцияда, шунингдек, ХИФлар дастурини амалга ошириш бошқармасининг бошлиғи Михаил Хамидулин ва бошқа мутасаддилар журналистларни қизиқтирган қўллаб-савдоларга жавоб қайтардилар.

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЕХНИКА ЗАНГЛАЯПТИ. ДАЛАЛАР ЭСА...



Бу йилдаги кузни деҳқон фақат орау қилиши мумкин. Мана, ноябрь охирида бораяптики, тайинли ёғингарчилик бўлгани йўқ. Тадбиркор деҳқонлар алақачон ишдан чиққан ҳайдов тракторларни атрофида соловчилар уймалашиб юришибди. Тракторлар қачон соланадую, қачон иш бошлайди. «Устахона» деб номланган жойнинг ҳеч бўлмаста усти ёшиқ бўмайдики, ахир. Бу ҳам етмагандай иш билан банд механизаторларга на иссиқ овқат, на бир пиёла чой ичиш имконияти бор. Иш шу залда давом этадиган бўлса, шудгорлаш баҳоргача давом этиши тайин.

СУРАТЛАРДА: ширкатлар уюшмаси техника-таъмирлаш устахонаси бугунги кўриниши ана шундай.



Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

МУТАХАССИС МУАММО ҚҲЯДИ

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ

Халқимизнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаолиятини оширишда мавжуд ҳуқуқ билимлари ҳамда қонунчилик тарбиясини кенг йўлга қўйиш долзарб вазифалардан биридир. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта ўзгаришлар юз бериб, фуқаролар таваққури, дунёқараши ўзгариб бораётган бир даврда бу масала алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш» ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жоматчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонида ушбу масалага катта эътибор берилган.

Мазкур Фармон ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида қиска вақт ичида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этилган.

ни, ҳуқуқшунос кадрларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни қайта тайёрлашга масъулият билан киришилганидан далолатдир. Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қошидаги марказ каби республикамизда юқори малакали мутахассисларни қайта тайёрлаш йўналишидаги етакчи илмгоҳлардан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Тан олиш керак, бугунги кунда ҳуқуқ идораларида ишлаётган барча ходимлар ҳам бирдек илм ва малакага эга эмас. Айниқса, дастлабки тергов ишларида халқ толиқларга йўл қўйиш ҳодисалари учраб турибди. Баъзида жи-

жуд марказларни юридик адабиётлар билан таъминлаш масаласидир. Кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб ҳуқуқий адабиётлар чоп этилаёпти. Аммо, афсуски, уларни сотиб олиш учун маблағ етишмайди. Жумладан, прокуратура идоралари ходимлари малака ошираётган бизнинг марказимизда ҳам аҳвол яхши эмас. 1997 йил давомида Молия вазирлиги томонидан етарли маблағ ажратилмагани сабабли, ҳатто энг зарур адабиётлар ҳам сотиб олинмади.

Умид қиламизки, мутасадди идоралар юқорида қайд этилган Фармонда белгиланган вазифаларни тўла бажарадилар ва муаммо ўз ечимини топади.

М. РАЖАБОВА, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурортергов ходимлари малакасини ошириш маркази директорининг ўринбосари.

БУГУННИНГ ХИКОЯСИ

Хикоямиз қаҳрамонини ўзимга қолса «бойвачча» деб атамаган бўлардим. Сабаби «бойвачча» сўзи кўпчиликнинг қулгоғига эришроқ туюлди. Аммо у турар-турмуши, феъл-атвори билан айнан мана шу сўзга ўта муносибдир.

Қаршибой Эшназаров гапни чертиб, кийимни ташлаб, етти ёшдан етмиш ёшгача одани «сиэ»лаб гапирishi билан ҳар қандай даврада «яроқ» этиб кўга ташланади.



САДОКАТГА ТУҲДА ЮРАК

Агар хотирам пачд бермаса, 1990 йилнинг март ойида Бобутов тумани уллуғлари икки автобус чорвадорни Эшназаровнинг ҳовлисига бошлаб келишди. Фирка замони эди. Сарқотиб Иброҳимжон Ибодуллоев «Домла, кўра ҳовлингизни, машау турар-турмушингизни бир кўрсатинг» деди. Меҳзон бир кўлиб, бир қизарди. Кейин одинга ўтиб йўл бошлади. Молхоналар ет тушса ялғудек, сулириб-сидирилган эди. «Бу ерда кўилар, манов жойда дағлар, бунда совяқлар, бунисига эса кўчкорлар сақланади...» Домла гуноҳ ни қилаётгандек ҳар замон-ҳар замон муштумини қувача қилиб йўталиб кўярди. «Хў, оғилимизда сўқимга боқилдиған моллар, сигиллар, бо-зоқлар туради. Сигилларни бола-чақамиз соғди. Сут-қатинни шаҳарга элтиб сотамиз. 3, нисинини сотиб, оғир миз-да! Гапирверсам ақл ўргатган-дек бўлам. Семизини сотиб, оғир мол ва ем оламиз. Чорва деганлари ана шундан кўларди».

Кейин меҳзон аназорини, қандай қилиб қаламча кўйгагиришу улари эҳсон кўрсатди. Уй эгаси кўл ўтмай хижоладан тираб кетди. Сарқотиб эса ора-орада пишан бериб турарди. Кейин бинийдек ҳавсаланишди. Сўнг қўй сўйилди. Сўнграқдаги рўстнинг турдан уни гапирчилган мой эди. Фотиха чоғи Иброҳимжон Ибодуллоев марзу-ман мухтастар қилди. «Ана оғанилар, -- деди у. -- Кўддек ишлаб, бекдек яшаб деганлари мана шу».

Бир неча йил ўтган, бу одамни ариққа қўй чўмилиртганда кўрдим. Оёғида бақилар қийдан резина этик, элида қўч ямоқ чопон, бошида эса пилтаси чўқ кетган дўппи. Дўппи теграсида ранги унққан белбоғ. Хорма-бор бўл, қийдим. Омончилишим сўст чиқди. Кўнгли кўчаси деганлари хўп галати нарса-да! «Эни-бошни дид билан қийдан, тўғиласи чанг кўнса остона хатлаб кўчага чиқмайдиган Эшназаров деганлари шўми, е адрашдимми?» дея ўйга толдим. Мана шу, лавҳани сиз ҳам хотирангиз девирга миҳлаб кўйинг. Негаки хикоямиз

қўнғида бу манзарога бир қайтиб оламиз. Беҳтиёр бу одам билан қўзиқиб қолдим. Йўлда-йўлда домла ҳақидаги гапларга қўлқўни динг қиладиган бўлдим.

«Қаршибой домланг қўй-қўзиси юзга етдиби. -- Қорамолни айт. Уларам ўттиздан ошди-ев... -- Эшназаров гўшт топириб «Во-лга» олгани ростми? -- «Волган» айтасиз, иккита «Жигулин» муқофотга олган у... -- Қўшда тиним бўлса борки, бу одамда тиним йўқ, Сиз билан биз ҳам Эшназаровга ўқиб ҳожимизни жаб-борга бериб ишласак, эшигимизнинг тутқичи ҳам тиллодан бўлиб кетарди...»

Газетчи Қаршибой Эшназаровни ферма мудири, е зоотехник бўлиб иш-ласа керак, деган хабарга бориши эҳтимолдан ҳоли эмас. У ўқитқчи, мактаб директори, туман маориф бўлимининг мудири вазиғлариди меҳнат қилган. Айни кўларда эса ви-

лўнда айтганда, замоннинг оёқ оли-шини яхши биладиган одам. Билганим биланчилик қилишга уналч рабатим йўқ. -- Колхоз раисига, сизларга ўша-ган район катталарига раҳмат -- деди икки йил муқаддам Қаршибой Эшназаров. -- Ердаму маслаҳатларинг бўлмаганда фермер хўжалигимиз бу қадар оёққа туриб кўталаган бўларди. Энди менга бироз ер аратиб берса-ларингиз, пахта эксам...» Орага сўнкат чўди. Туман ҳожими Аҳад Примулов қаламин йўнғилмаган орти билан столдаги ойнани чертан-ганча ўйга толди. -- Қаршибой ака, чан далага, ҳам чорвага юриб қўзқичқингиз псайи-б кетмасмикин? -- 3 ука, сиз билан биз пахтанинг ичиди катта бўлганим. Одам қилган ишини одам қилади. Ешиғимизда йилгасак энларимиз кўрак шақиллатиб ювган, қўзимиз орғиса яна кўрак су-вини томтиб даволашган. Таваққал-

чининг ишини Хўдо ўнглабди, деган гап бор. Мен таваққалчи бўлганда ҳам қоруну уйдаги мўлжалга кесак отуви таваққалчи эмасман. Тўрт-беш дехқон билан роса келишиб-кенгашиб, шу қарорга келдим...

Ариқ-зовурларнинг уватларида моқоқаймоқлар гуллади. Савр ёмғир-ларига тўйинган далаларни мол қафт-дек текислади. Қаршибой Эшназаров-га қарашли 30 гектардаги ниҳолдири симага қўнган қалдиғроқлардай тизилиб қолди. Сумбулда эса гўза шохлари-даги кўсақлар чўғулашиб сайрга чиқ-қан боғча болаларини эслатарди. Сарқот рўмолни хўлпиратиб париваш кўз келди. Далаларни пахта ва қирқма қовун иси тутиб кетди. Сентябрь адоғида эса Қаршибой Эшназаров бо-шидаги Уратепа дўпписини ечди-да, тиззасининг кўзига қарсиллатиб бир урди: «Демак, бу далалардан ҳам 30 центнердан ошириб пахта олма бўлади. Мен эса уйланиб, икхиланиб юрим-ман...».

Домла бу йил қаровни кенг олди. Ер майдонини 161 гектарга етказди. -- Эвено бошқилари Ақбарали Са-рибоев ва Карим Андуқуловлар ҳам те-левизорли, ҳам магнитофонли бўлибди! -- Олса олбиди-да! Эртанги кўнда меҳнат ҳақидан шақиллатиб босиб қолади... -- 3, чана-чамадан Сирдарёнинг

ёки таваққалчилиқни хўш кўрмай туриб таваққал ишга қўл урган боёвтулик Қаршибой Эшназаровнинг кечаги ва бугунги кўни ҳақида

суви саккиз чалак девяерасизми? Бу муқофотлар бир тийнисиз берилган. Эшназаров домла гапидан қайтадиган йилгит эмас. Чоққиларга ҳар гектари учун 10 килограмм пахта ёни, 25 килограммдан кўнжара ахратган одам муқофоти пулга берармиди? Хали қўлқўнмишда ўнлаб оилалар терим пайтида 35-40 миғ сўмдан пул ишлаб олганини ҳеч қим эсполмайди. Тракторчи сувчиларнинг кўни 7 ой даво-мида 10-12 миғ сўл атрофида моғна олиб келаяпти. Аҳир 161 гектардан 480 тонна пахта етиштириб қўйди. Хосил-дорлик 35 центнерни қоралади. Буни пахта дейдилар. Ишинг кўзини бил-маганларни беланги, қозини шувит қилиб қўйди. Бурга тўмоқча ҳам ҳар-қў ҳўллаб ҳарат, деган гапни эшит-ганимиз? Шектан бўлсангиз биз синимган пуллари ҳарақатли олаётган одамларга лаб бўриб гапир-манг... Эшназаров қилқоқдаги икки чакирим йўлга, чоллар чойхонаси мактабга 100 миғ сўмлаб пул сар-флаганини эшитиб, дарров буни ён

дафтаримга илдириб қўйдим. Қилқоқда гап етмайди. Яхши гапнинг ҳам қано-ти, ҳам оёғи бўлади. Яқинда у киши-нинг қилқоғи газлаштириш учун оз эмас, кўп эмас роса 1 миллион сўм пул ўтказганини эшитиб қўнғилдада бу одамга нисбатан бўлган ҳавса чи-накам меҳрга айланди.

Меҳр деганлари мисоли чалакка ўшайди. Қўнғилда қўвон бўлмаса, қўнғилгиз чалак қалолмайди. Бирова қўнғилгиз иймаса, қўнғилгизда меҳр ҳам уйғонмайди. Ростда, қўндаги муҳто кимсага 3 сўм бермаслик учун уни айлаиб ўтвечи одамларни била-миз. Тийини ташиди тиллаб, кўп-ри-да хисиб, пулинг сассигига уқол-майдиған қанча-қанча қимсалар бор. Адов қўчаларининг баридан эримай тентиган бу одамлар ариват сўқмоқларига умрида лолақ бир ма-ротаба қаддам босмаслигини писанди қилсак, эҳтимол уларнинг оробўлати қўнғилларига қаттиқ боғармиз. Саҳаи сар...

... Кўз эди. Кўз бўлса ҳам хаво му-лоим эди. Домла терга ботиб, қўй чўмилирттарди. Унинг эғида ямоқ чо-пону бошида пилтаси чиққан дўппи бор эди. Мен ҳайрон эдим. Ҳайронлиғим-нинг боиси бу атрофида эғ озода, эғ башанг қийнадиган эғилни ана шу ҳолатда кўраман, деб асло ўйламо-дим. Зотан ўш йиллари Қаршибой Э-шназаровнинг машинада эрта саҳар-га сут ташшини, қорамолу қўй ор-тидан юриб чўпчилик қилишини, Тош-кентнинг Шўробзоридан зотли мол-лар олиб келишини, оилада ҳар бир азонинг ўз хизмат бурчи, ўз вазиғса берилиғи, уларнинг ҳаммасига домла бош-қош эканлиғини мен яхши била-масдим. Уша кезде Эшназаровнинг терга ботиб қўй чўмилиртти аслида минг бир қўмининг фақат биттиси эди...

Ана шу воқеалардан кейин қўн-ғилда қичиб бир қашибт кайди бўлди. Ажаб, мен бу мўлжаб қашибт мағзини аввал ҳам қўнғилда бот-бот ўқитган-ман. Қашибт шўки, бекдек яшаб учун қора терга тушиб меҳнат қилмоқ қўнғил уққларини саҳават шабадларига тут-моқ ва яна мен билмаган ҳанда қалам-га олиш мушқул бўлган бесанқ хис-латлар зарур экан.

Саҳаватга тўла юрак яшаётган юрақдир. Унинг қўзи бўлмайди. Унинг қўзи бўлмайди. У серхосил заминда қад ростлаган даррақ қаб қамшича я-шиси бағрлари билан, нафасдак на-фис гуллари билан, шарбатга тўлган мевалари билан ҳайб кенгликларига гўркираб яшанаган яшаган.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Сирдарё вилояти.



— Болажонлар, қани айтинглар-чи, бизнинг Ватанимиз қаер?! — Ўзбекистон! Ўзбекистон! Суратни Даврон АХМАД олган.

ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

МИСР -- СОВРИНДОР Германиялик Мюнхен университетининг 1996-97 молия йилида Яқин Шарқ ва Африкада эне яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришгани учун Мисрни махсус соврин билан тақдирлади.

ВАЗИРЛАМ УЧРАШУВИ

Россия ташқи ишлар вазирини Е. Примаков Ироқ атрофида вужудга келган танглиқни тиғи йўл билан ҳал қилишига умид билдириди. Женевада ҳуд-ди шу масалага бағишланган БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари бўлган мамлакатлар ташқи сийсий маҳкамалари раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди.

ЯҚИН ШАРҚКА -- ТИНЧЛИК ЯҚИН

Бир муддат тўхтаб қолган Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилиши жараёни ва музокараларида яна жонланиши бошланди. Жумладан, АҚШ Давлат котиби Мэдлин Олбрайт Лондонда Исроил Бош вазирини Беньямин Нетаньяху, Швециянинг раҳбари Ясер Арофат билан учрашиб, тинчлик жараёнини ривожлантириши истиқболли ҳусусида музоқара ўтказди. АҚШ Давлат котиби ўтаётган йилда Араб-Исроил муносабатларида бир қанча муаммолар тугаганини билдириб, «1997 йил тинчлик жараёни учун муваффақиятсиз йил бўлди, аммо де-ҳарак ойда тинчлик жараёнини ола-сизлантириш учун янада муваффақият-лар ҳаракат қилишимизга имкон бор-деди.

ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

ҲАФТАЛИК КўРСАТУВЛАР


Table with columns for cities (Dushanba, Ceshanba, Choshanba, Pajshanba, Juma, Shanba) and TV channels (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100). Each cell contains program titles and times.

Table with columns for cities (Dushanba, Ceshanba, Choshanba, Pajshanba, Juma, Shanba) and TV channels (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100). Each cell contains program titles and times.

Table with columns for cities (Dushanba, Ceshanba, Choshanba, Pajshanba, Juma, Shanba) and TV channels (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100). Each cell contains program titles and times.

Advertisement for 'Kichik Novvohonalar' (Small New Centers) featuring services like 'Sauna uchun uskunalar', 'Elektroplitalari', 'Grill, hot-dog uchun moslamalar'. Includes contact info: Tel: (3712) 79-14-29, 79-38-54. 'S. Rahimov' metro bekati.

Устоз Абдулла Қаҳҳор ўз ўғитларидан бирда ёзди: «Самимият» сўзи кам талаб қилади. Сохта самимият битмас-туганмас эзмаликлардан иборат». Ичунин, у киши ҳақидаги шогирдлик самимиятим изҳориде ана шундай эзмаликдан қочишга ҳаракат қилдим. Агар менинг тақдиримнинг ижодга алоқаси бўлса, шубҳасиз бунда Абдулла Қаҳҳорнинг туган ўрни каттадир.



Очилини айтганда, ёзувчилик «алиф-бес»ини, таъбир жоиз бўлса, ёзувчиликнинг тулик курсини ҳам у кишида ўтаганман. Гарчанд устоз билан учрашиб, у киши билан суҳбатлашмаган бўлсам-да, ҳам-

билан бирга бошқалардан ҳам шунини талаб қиларди. Чунки у киши «Адабиётнинг тоштарыси -- ўқувчи, китобхон, қолаверса, вақт» эканлигини яхши ҳис этарди. Яна у киши «Асарнинг қовоғари чаққандай

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

САМИМИЯТ

ша ўзимни унинг ўтқир ва талабчан нигоҳи рўпарасида тургандек ҳис этаман.

Эллигинчи йиллар эди. Хали чекка қишлоқларда уруш асоратлари тўла тугамаган, қатор-қатор хонадонлардаги йўқчилик, касаллик халқнинг тинка-малорини қуритарди. Чамаси, учинчи синфларда ўқирдим. Кундузлари ўқишдан кейин «алақарак» терар, оқшомлари эса кўрақоналарда керосин фонусларда ўтириб кўрак чувиладиган ҳамқишлоқларимга дoston ўқиб берар эдим. Қўлимдан «Кун-туғмиш», «Ширин билан Шакар», «Қирқ қиз», «Алпомиш» достонлари тушмасди. Ҳар бир достонни икки-уч қайтадан ўқирдим. Иттифоқ, бир кун қўлимга юпка муқовасига «Йиллар» деб ёзилган китоб тушиб қолди. Қарасам, китобда достонлардаги шеърлари йўқ. Китобни ҳафсаласиз равоққа қўйдим. Сандалда отам, укаларим касал онамнинг сўлгин бетларига термулиб ўтирибмиз. Онам бир ҳафталик оғир касалликдан сўнг аранг бошларини кўтариб турганлар. Овқатдан кейин отам: «Бирор нарса ўқиб бер-чи» деб сўраб қолди. Шунда ҳалиги китобни олиб, ундаги энг қисқа ҳақиқат -- «Бемор»ни ўқимочки бўлдим. Эриниброқ ўқишга киришим-у, ярим бетдан кейин қизиқиб, равон ўқиб бошладим. Бир пайт: «Худое аямди дайдига даво бейгин...» деган жойга келганимда овозим қаттиб, томоғимга бир нимда тикилгандек бўлди. Кўз ёшларимни енгимга артиб қарасам, отамнинг ҳам, онамнинг ҳам кўзлариде ёш қўрдим. Назаримда, кичик укамнинг кеча уйкусираб айтган гапларини эшитгандек бўлдим...

Сарлаҳаси остига «Ўтмишдан» деб қўйилган бўлса-да, бу ҳикоя айнан бизнинг оиламиз ҳақида ёзилгандек эди. Ҳикоя тугагач, анчагина жим қолдик. Шунда отам: «Қайгурманлар, болаларим, сизларнинг оналарингиз албатта тузаледи» дедилар...

Бу Абдулла Қаҳҳорнинг ўша йилларда чиққан «Йиллар» деган ҳикоялар тўплами эди.

Шундан кейин китобдаги қолган ҳикояларини ҳам қайта-қайта ўқиб қилдим. Бу менинг ҳақиқий реалистик адабиёт билан илк учрашувим эди. Ундаги ҳикояларни ҳар ўқиганимда ўзимча янги бир дунё кашф қилардим. Кейинчалик Абдулла Қаҳҳор даъвати билан А. П. Чехов, Н. В. Гоголь ва бошқа адабларнинг асарларини ўқийдиган, уларнинг маъзини чақадиган, уларга эрғашиб бир нималар машқ қиладиган бўлдим.

Фақат юрагимда бир армон қолди. Дастлабки китобим «Икки пулик обрў» чиққанда дўстларимнинг «устозга дастхат ёзиб юборинг» дейишларига қарамай, бунга журъат қилмадим. Тортинчоқлигим, йўлнинг узюқлиги туфайли у киши билан учрашишга ҳам кечикдим. Ҳолбуки, атоқли адиб Саид Аҳмад ва Абдулла Қаҳҳор ижодининг йирик тадқиқотчиси Озод Шарофидиновнинг айтишларича, устоз менинг айрим ҳикояларим билан таниш эканлар. Абдулла Қаҳҳор ўзи яхши ижод этиш

семиз»лигига тоқат қилолмас, ўзидан ҳам, ёшлардан ҳам «бутун баҳорни чигитдек гўра ичига қамаб бера олиш» маҳоратини талаб қиларди.

Менимча, ёзувчининг шахси унинг ижоддаги мавқеини ҳам белгилайди. Шу жиҳатдан қараганда, устоз Абдулла Қаҳҳор бизлар учун ўрнак бўларди жуда кўп фазилатларга эга. У киши ниҳоятда субути, меҳнатқаш, камсуқум, камтарин, ўзларига ва бошқаларга нисбатан қаттиқ талабчан бўлганлар. Устоз ҳақидаги жуда кўп хотираларни, у кишининг китобхонлар билан бўлган учрашувларидаги сўзларини эшитганман. Лекин бирор марта ҳам устоз ўзлари ҳақида жиндай мақтов сўз айтиб, бирор бир асарларини мақтамаганлар ёки айрим ижодкорлардек ўзларини машҳур қилувчи олди-қолди гапларни тўқмаганлар. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтсам зарар қилмас. Айрим учрашувларда баъзи адабларимиз шайнига жуда яхши гаплар айтилади, саҳий танқидчиларимиз мақтов «жавоб»ларини ўша адиб бошидан аямай сочдилар. Адиб бемалол танқидчиларнинг озига тикилиб ўтираверди, хузур қилади. Хўп, буниси ҳам майли, бироқ энг охирида кеча «айбдорига» сўз берилди. Ҳалиги мақтовлар етмагандай унинг ўзи ҳам чиқиб, ўз-ўзини мақташга тушиб кетди. Ана шунда бейхитёр Абдулла акани ўйлайсан киши. Устоз тирик бўлганда ўша адибга «Ув ука, жиндай пастроқ тушинг, ҳеч замонда одам ўз-ўзини бозорга соймайди-ку?» деган бўлардимлар.

Энг асосийси Абдулла Қаҳҳор назари баланд инсон бўлган. У киши ўзи нолойиқ мукофот ёки арзимас қалам ҳақи деб ёлиб-югурмаганликлари ҳақида замондошлари хотирада қайта-қайта тилга олинади. Бировлар у киши учун «қалам ҳақи»ни ошириб келганда ҳам муҳтож бўлишига қарамай ундан юз ўтирган. Уша йиллари оқсоқол ёзувчининг шу хил назари баландлигидан бошқалар ҳам сал ҳадиксираб «мукофот» учун от қўйишлардан ўзларини тийиб турганлар.

Бугун биз Абдулла Қаҳҳордан нимани ёзиш кераг-у, нимани ёзмалик кераклигини урганамиз. Чунки унинг асарларида замонасозлик кам. Бор бўлганда ҳам ҳақ сўз олдинги режада туради. У киши замона учун эмас, инсон учун қалам тебратлади. Ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳорчалик кўп салбий характерлар яратган адиб бўлмас керак. Унинг ҳар бир ҳикоясида янги бир яшовчан одамни учратамиз, йирик асарларида эса уларнинг сони ўндан ҳам ошиб кетади. Устоз асарларида ҳар бир сўз, ҳар бир деталь, ҳар бир ҳолат умумий мақсадга хизмат қилади. Айниқса, деталлаштириш санъатини устоздан пухта ўрганишимиз лозим. Тасвирдаги сиққиклик, икки-уч сўз билан яхлит бир ҳолат ёки аввал учратилмаган янги бир қиёфани гавдалантириш устоз ижодининг энг ноёб фазилатларидан ҳисобланади. Устознинг деярли барча асарлари юксак талант ва меҳнат самарасидир. Айниқса, менга «Сароб» романи, «Синчал» кассеси, «Тобутдан товуш» комедияси ва қатор ҳикоялари ёқлади.

Қисқаси, устоз Абдулла Қаҳҳор ижоди ўзбек адабиётининг қатор-қатор авлодлари учун ибрат ва ёзувчилик мактаби ролинини ўташига ишончим комил. Уни ҳамиша қадрлашимиз керак.

УКРАИНАДА КЎРИШГҲНЧА...

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КҲНЛАРИ

ЖИЗЗАХ:

ҚАЛБЛАРГА МУҲРАЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

Меҳмонларнинг қўриқ Жиззах вилояти меҳнатқашлари хузурда бўлиши катта байрамга айланиб кетди. Украинаник меҳмонлар ўз ташрифларини Амир Темур дарвозаси билан танишишдан бошладилар. Сўнгра улар Жиззах шаҳри марказида жойлашган атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов музейини катта қизиқиш билан томоша қилдилар ва музей китобхона дастхат ёзиб қолдирдилар.

Куннинг иккинчи ярмида украинаник меҳмонлар Жиззах пластмасса заводи, Жиззах марказий ўйингоҳи, теннис кортини бориб қўришди. Кечқурун шаҳардаги -- Истиклол боғининг тантаналар уйда меҳмонлар шарафига зиёфат берилди.

Йўлчи ЖҲРА.

НАВОИЙ:

БАЙНАММЛАЛ ШАҲАРДАГИ УЧРАШУВЛАР

Украина маданияти кунлари қатнашчилари дастлаб вилоятдаги Сардоба, Маликрат, Қосим Шайх тарихий обидаларини зиёрат қилдилар.

Кези келганда шунини алоҳида таъкиллаш керакки, Навоий шаҳрида ҳам украин миллияти маъсуб 7,5 минг нафар киши бу ердаги бошқа халқлар вакиллари билан тинч-тотув, аҳил ҳаёт кечирмоқда. Вилоят ҳокимлигида украинаник меҳмонлар шарафига қабул маросими уюштирилди. Вилоят ҳокими Ҳаёт Гафоров икки бирорлар маълакат ҳамкорлиги хусусида сўзлади.

Қабул маросимида Украинанинг таниқли санъаткорлари Игорь Криченко, Раиса Матвеевколар сўзга чиқишиб, бу

ерда ўзларига кўрсатилган иззат-икром учун миннатдорчилик билдирдилар.

Шаҳардаги «Фарҳод» ва «Ширин» маданият саройларида Украинанинг «Полтава» халқ ансамбли ўзининг концерт дастурини намойиш этди.

П. ЖУМАЕВ,
Навоий вилояти.

НАМАНГАН:

УКРАИНИНГ ЎЗБЕК ДЎСТЛАРИ

Украинаник қадри меҳмонлар Наманган заминиде ҳам шоду хуррамлик билан, қарнай-сурнай салопари остида кутиб олинди. Уларга вилоят ҳокимлиги вакиллари, маданият ходимлари, кенг жамаотчилик ва ёшлар пещов чикадилар. Илик, самимий учрашувлар барчада катта таассурот қолдирди.

Давлатобод туманидаги муҳташам маданият саройида қардош халқ вакиллари билан учрашув бўлди. Вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов Наманганга ташриф буюрганликлари учун меҳмонларга самимий миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг меҳмонлар ўзларининг концерт дастурини намойиш этишди. Айниқса, «Краине» гуруҳининг чиқишлари, Украинада хизмат кўрсатган артист Ольга Каминская ҳамда Дима Литвинец ижросидаги қўшиқлар ҳаммани ўзига мафтун этди.

-- Ўзбекистонда илк бор бўлишим, -- дейди Ольга Каминская, -- Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очикқўнгиллиги, самимийлиги менда катта таассурот уйғотди. Наманганга келиб эса қувончмга яна қувонч қўшилди. Бу кунлар, бу учрашувлар менинг ҳаётимда бир умр ўлмас из қолдиради. Украин халқининг Ўзбек элидай дўсти борлигидан фахрландим.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Украин қизига ҳам ўзбек миллий либоси жуда ярашид-да.

КИНОЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Маълумки, юртимизда утаётган Украина маданияти кунлари чоғида маъзур мамлакат киши усталари томонидан суратга олинган фильмлар намойиш этилиши ҳам кўзда тутилган эди. «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси республикамизда энг яхши кинотеатрларда ана шундай фильмлар томошасини ташкил қилишда бош-қош бўлди. Хусусан, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги маданият ва санъат саройи ҳамда Киночи-лар уйда Украина кино санъаткорлари томонидан яратилган «Инжиқ малика»,

«Маскал черавник» бадий фильмлари ва «Кўлқон» номли мультфильмлар намойиш этилди ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Фаргона, Наманган ва Андижон вилоятлари ахли ҳам ушбу фильмлар билан танишиш имконига эга бўдилар.

Очиғи, барча соҳаларда бўлгани каби ўзбек ва украин киночилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлар ҳам илгаридан давом этиб келади. Мисол учун, таниқли ўзбек кинорежиссёри Латиф Файзиев машҳур украин кинорежиссёри Игорь Савченко-

СЎЗ - МЕҲМОНЛАРГА

Фемий МУСТАФОЕВ,
Украина халқ артисти,
Киев опера театри солисти:
- Биласми, мен асли Андрижонда туғилиб, вояга етганиман. Умримнинг кўп қисми мана шу жаннатмақон гўшда кечган. Бундан бениҳоя фахрланаман. Гарчи ҳозир Украинада яшаётган бўлсам-да, Ўзбекистонни ҳам ўзимнинг ватаним деб биламан. Сизлар эришяётган ҳар қандай ютуқларни эшитганимда роса хурсанд бўлам.

Ижодий сафаримиз чоғида қариндош ўзбек пахтакорлари, миришкор бобгонлари хузурда концерт дастурини намойиш этдим. Ниятим, ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги маданий-маърифий ҳамкорликлар абайи бўлсин!

Иван ПОНОМАРЕНКО,
Украина халқ артисти:
- Мен бундан ун йил илгари ҳам Ўзбекистонда бўлган эдим. Лекин бу галги ташрифимиз чоғида мустақиллик йилларида юртнинг нақдлар ўзгариб, чирой очангиларини кўриб қувондим. Бундай ҳолни мамлакатингиз пойтахтидан тортиб, чекка қишлоқларида ҳам яққол кўриш мумкин экан. Биз меҳмон бўлган Фаргона водийси эса ўзининг гўзаллиги билан барчамизни мафтун этди. Уни таърифлаганларича бор экан.

нинг қўлида таҳсил олган бўлса, украинаник оператор Данило Демочий ўзбек киносининг шох асарларидан бўлиши «Тоҳир ва Эўхра», «Алишер Навоий» фильмлари суратга олишда фаол иштирок этган эди. Дарвоқе, икки мамлакат киночилари ана шу фидий инсон ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи хужжатли фильм ишлашни ҳам ният қилишяпти.

Умуман, кино соҳасидаги бундай ҳамкорлик алоқаларини бундан кейин янада кенг қуламларда давом эттириш ҳақида ҳам фикрлашиб олинди. Мустақиллик эса икки томон учун бу борада ҳам имкониятлар эшигини кенг очди.

Ҳ. ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.


«ЯНГИ ХАМСА» ТАНИШТИРИЛДИ

Яқинда Самарқанд Давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳибни Барот Бойқобиловнинг «Янги Хамса» асари китобхонларга таништирилди.

Анжумани очар экан, институт ректори, профессор Юсуф Абдуллаев мустақилликка эришган озода бу хур Ўзбекистон шайрига бадий ижод қайтадан барқ уриб гуллаб-яшнаётгани, жумладан, шу кунларда яратилган Б. Бойқобиловнинг «Янги Хамса»и ҳозирги адабиётимизнинг ютуқларидан бири эканлигини таъкиллади.

Шундан сўнг, шоирни Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиев қутлади: «Бу асарнинг сўнгги китоби «Ҳайрат-ул Аҳрор» Самарқанд тарихи билан бевоисита боғлиқдир, -- деди у. -- Асар қаҳрамони Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурга ҳамда темирўйлар салтанати соҳибларига пири муридлик қилиш нақибандия тарикатининг буюк намояндаси Хожа Аҳрор Валий Самарқандда яшаган, унинг хоки поклари ҳам Самарқанддадир. Бундай асар биз, самарқандликлар учун яхши совғадир».

Шоир билан учрашув Тошкент автомобил ва йўллар институтида ҳам бўлиб ўтди. Учрашувларда шоир ўз асарининг ёзилиш тарихи ҳақида гапириб, ундан баъзи болларни ўқиб берди. Эргаш МАТҚУРБОНОВ.



БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 1. Беш дoston тўплами. 4. Физикада гўлқин, табиғатда ёруғлик, ҳаётга эзгулик. 6. Сувоқлик, химиявий модда. 9. Ишончинг бахт ёки кулфат келтириши ҳам муҳим бўлган тана аъсои. 10. Жимлик, оёқсизлик. 11. Уғриларнинг иш вақти. 12. Аблах, хулбин, ёмон одам. 17. Ойини жаҳонда тинимсиз оқлама қилинаётган кир ювчи пошоғи. 15. Дил билан тахлан-

ган нарсаларга қарата айтиладиган форча сўз. 19. Маълумият ҳисси. 20. «... -- жисмига мос» (ибора). 23. Хул мена. 24. Қуруқ мена. 25. Қаноплат маъсулотлардан бирининг тури. 26. Дадагизнинг давсаннинг қизи. 27. Шахматда ўйналадиган спиноқлардан бири. 28. Австралияга келиб бўридан ҳам вахшироқ бўлиб кетган ит. 30. Христиан динидаги диндор аёл, отинбуви. 32. Ше-

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Собиржон Исмоиловдан воқоид муҳтарамаси
ХУРИ ҳожи ялнинг
вафоти этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маъсуе таълим назирини Қоракўлпоғистон давлат университетини ректори Қуанишбай Утегинаева оналари
ХУРБИНИ ялнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми, илмий кадрлар бошқармаси ва УЗР ФА касаб уюшмаси ташкилоти УЗР ФА президиуми илмий кадрлар бошқармасининг бошчилиги С. Қаримовга онаси
Халовча САЙФИЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзсантехгазмонтаж трести» жамои қорхонаси трестининг собиқ бошқаруви
Сайя РАҲМОМОНОВнинг
бесақт вафоти этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдарлик билдирлади.

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 18 декабрь соат 10:00 да Сергели тумани ҳокимиятининг кичик мажлислар залида «СЕРГЕЛИ БОЗОРИ» ОТАЖИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БЎЛАДИ.

Маълумотлар учун телефон: 51-34-64.

Қузатув кенгаши.

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗМЕВАСБАЗВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ» холдинг компанияси Сизларни 1997 йил 26-28 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган улгуржи савдо ярмаркасида таклиф этади.

Манзиллимиз: 700011, Тошкент, Абай кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 144-27-56, 144-15-90, 144-08-01.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:

Парламент 133-57-34;
Хукук ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Халқлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, тиббиёт, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибиёт 133-10-28;
Эълолар 136-09-25.

Рўяхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г -- 0747, 33.805 нусхада босилди, ҳажми -- 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2

Газага IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга тошириш вақти -- 21.00. Босишга тоширилди -- 21.00. 1 2 3 4 5 6